



ORGANIZATIONAL AND INSTITUTIONAL ASPECTS AND PROBLEMS OF YOUTH POLICY IN ENSURING POLITICAL STABILITY AT THE INTERNATIONAL AND NATIONAL LEVELS

Iskandar B. Tadjidinov

Master's student

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: youth policy, "youth hillock", political stability, political regime, state security, population growth.

Received: 14.05.22

Accepted: 16.05.22

Published: 18.05.22

Abstract: This article analyzes the essence of youth policy as an important factor in maintaining stability in the country, the scale of its influence and consequences, as well as the mechanisms for developing strategic decisions in this direction.

ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ДАРАЖАДА СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЁШЛАР СИЁСАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИХАТЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

Искандар Б. Таджидинов

Магистратура талабаси

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ёшлар сиёсати, “ёшлар уюми”, сиёсий барқарорлик, сиёсий режим, давлат хавфсизлиги, аҳоли ўсиши.

Аннотация: Мазкур мақолада давлатлардаги барқарорликни сақлашнинг муҳим омили ҳисобланган – ёшлар сиёсатининг аҳамияти, унинг таъсир доираси ва оқибатлари, шунингдек бу борада стратегик қарорларни ишлаб чиқиш механизмлари таҳлил қилинган.

ОРГАНИЗАЦИОННО-ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ И ПРОБЛЕМЫ МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИКИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ПОЛИТИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ НА МЕЖДУНАРОДНОМ И НАЦИОНАЛЬНОМ УРОВНЯХ

Искандер Б. Таджидинов

Магистрант

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: молодежная политика, «молодежный бугор», политическая стабильность, политический режим, государственная безопасность, рост населения.	Аннотация: В данной статье анализируется сущность молодежной политики как важного фактора сохранения стабильности в стране, масштаб его влияния и последствия, а также механизмы выработки стратегических решений в этом направлении.
--	--

КИРИШ

Бугун жаҳондаги мураккаб ва тез ўзгарувчан глобаллашув шароитида ҳар қандай давлатнинг замонавий жамиятга трансформацияланганлик даражаси улар томонидан сиёсий, иқтисодий ҳамда социомаданий воқеликдаги ёшларнинг ўзига хос роли ва мавқеини англаш билан белгиланади. Ёшлар муаммоларини ҳал қилиш соҳасидаги самарадор давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда унда қўлланиладиган механизм ва технологияларни такомиллаштириб бориш нафақат ижтимоий барқарорлик балки, умуман давлат хавфсизлиги кафолати ҳисобланади.

Бу эса ўз навбатида умумжаҳон стандартлари ва миллий-минтақавий хусусиятларни ўзида уйғун тарзда синтезлаган инновацион механизм ва ёндашувларни қўллаган ҳолда амалга ошириладиган самарадор ёшларга оид давлат сиёсати моделини ишлаб чиқишга бўлган заруратни янада кучайтирмоқда.

Давлат томонидан ёшларга оид ишлаб чиқилган самарали чора-тадбирлар комплекси (давлат ва маҳаллий дастурлар, стратегия ва бошқа концептуал ҳужжатлар)нинг ишлаб чиқилиши ва тўлақонли амалга оширилиши жамитнинг етакчи кучи ҳисобланган ёшлар қатламининг сиёсий элитага бўлган ишончини ортишига, шу билан бирга сезиларли даражада ҳокимиятнинг легитимлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам сиёсий барқарорликни таъминлашда муҳим омили ҳисобланган – ёшлар сиёсатининг таъсир доираси ва оқибатларини инобатга олган қарорларни ишлаб чиқиш ўз долзарблигини сақлаб келмоқда.

Айниқса охириги ўн йилликда дунёнинг турли нуқталарида юз берган сиёсий инқирозларда “ёшлар омили”нинг ўрни ва қўлами намоён бўлиб, асосий триггер сифатида кун тартибига чиқди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ёшлар тушунчаси XIX асрдан бошлаб илмий истеъмолга кириб кела бошлади ва ушбу тушунчанинг шаклланиш жараёни билан биргаликда ёшлар феномени ҳам шакллана борди. Дастлаб ёшлар тушунчасига категория эмас, қандайдир моҳият сифатида қаралган. Унинг турли мавзулар доирасида илмий ва профессионал ҳамжамият томонидан муҳокама қилиниши аста-секинлик билан ёшлар тушунчасининг илмий категорияга айлана боришини тақозо қилди. Натижада, ёшлар тушунчаси тан олинган илмий атамага айлана борди. Турли касбий тилларда тез-тез фойдаланилиши натижасида ёшлар тушунчаси назарий жиҳатдан асосланиш жараёни табиий эволюциясини бошдан кечирди. Бу эса биринчи навбатда, айти тушунча таърифи билан боғлиқ ёндашувларнинг шаклланишига олиб келди [1].

XX асрга келиб ушбу тушунча билан боғлиқ қарашлар, таърифлар илмий муомалада мустаҳкамлана бошлади. Жумладан, бу борада илк фаразлар Г.Стенли изланишларида [2] ва кейинчалик унинг ривожланишига туртки берган К.Гросснинг 1920-1960 йиллардаги юз берган норозилик ҳаракатлари билан боғлиқ ишларида кузатиш мумкин. Айнан шу даврлар ёшларни нафақат олдинги авлод тажрибаси ва анъаналарини мерос қилиб оладиган объект, балки ўзгаришлар манбаи, мавжуд ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий соҳада фаолият юритувчи субъекти сифатида тушунчанинг ривожланишига туртки бўлди. Маркс, Энгелс ва Мангейм ёшларни жамиятнинг алоҳида захираси ёки ижтимоий ҳаётни янгиловчи кучи деб ҳисоблашган, аммо ёшлар бирлаштирилмаса, бу захира яширин қолиши таъкидланган [3].

Араб баҳори даврида (2011-2013 й.) жаҳондаги барқарорликни тадқиқ қилиш натижалари кўплаб сиёсий инқирозли ҳолатлар юз берганини кўрсатмоқда [4]. Инқирозларнинг асосий омилларидан бири бу ёшлар ёки Голдстоун ўзининг “Ёшлар уюми” тадқиқотида таъкидлаганидек – умумий аҳолининг таркибида ёшлар улушининг ўсиши билан боғлиқ [5]. Натижада, “Ёшлар уюми” давлатларнинг сиёсий режимида беқарор таъсир кўрсатиб, сезиларли даражада норозиликлар ва террористик ҳаракатлар сони ортишига олиб келди.

Бироқ, тадқиқотлар шуни кўрсатадики юқоридаги омил ягона сабаб бўлмай, ёшларни мобиллаштирувчи ва барқарорлик даражасини пасайишига қуйидаги факторлар: юқори ишсизлик даражаси шароитида таълим даражасининг ўсиши, ёшлар сонига нисбатан ресурслар коэффицентининг пастлиги, қашшоқлик, урбанизация (ёшларнинг шаҳарларга миграцияси, ёшлар сонининг ортиши), ижтимоий мавқе (мотивация даражаси пастлиги/оила/карьера ва бошқ.), сиёсий институтларга нисбатан ишончнинг сустлашиши, коррупция даражасининг юқорилиги ва бошқалар таъсир кўрсатади.

Аникроғи “Ёшларнинг террористик ва норозилик ҳаракатларига мойиллиги давлат томонидан уларнинг эҳтиёжларини қондира олмаслиги ва алтернатив йўлларнинг йўқлиги туфайли зўравонликка интилиши билан боғлиқ” [6] бўлса, ёшларнинг оқланмаган умидлари уларни жамоат ҳаракатларига бирлашишига олиб келмоқда [7]. Жумладан, 2011 йилда Мисрда юз берган нотинчликларнинг сабаблари ёшларни эҳтиёжларининг қондирилмаганлиги, айниқса, ишсизликнинг юқори даражаси, иш билан таъминлаш учун зарур шароитларнинг етишмаслиги, қашшоқлик, жамиятда ижтимоий-иқтисодий тенгсизликнинг мавжудлиги, ишонч даражасининг пасайиши ҳамда “Ёшлар уюми” мавжудлигидан иборат [8].

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти прогнозларига асосан дунё аҳолиси 2055 йилга келиб 11 млрд.га етади (ҳозирда 8 млрд.га яқин). Мазкур ўсишнинг 95%и паст ва ўрта даромадли давлатларга тўғри келиб, биргина Африка аҳолиси 1,4 млрд. (57%)га ошади ва унинг таркибини асосан ёшлар ташкил этади. Ўз навбатида, аҳолининг ўсиш тенденциясини Ўзбекистонда ҳам кузатиш мумкин бўлиб, 2055 йилда ушбу кўрсаткич 49 млн.ни ташкил этган ҳолда ёшларнинг юқори улуши сақланиб қолади [9]. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2020 йил ҳолатига Ўзбекистон аҳолисининг умумий сони – 34 млн.га яқинни ташкил этади ва шундан 62%и 0-30 ёш категориясидаги ёшлардан иборат бўлади [10]. Юқоридаги демографик тенденция Ўзбекистонда ва аксарият дунё давлатларида “Ёшлар уюми”нинг шаклланаётгани ва ривожланишидан далолат беради.

Ёшларнинг улуши юқори бўлган давлатларда барқарорликни сақлаш учун ҳукуматлар ёшларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўлиқ қондира оладиган конструктив ёшлар сиёсатини амалга ошириши лозим. Зеро, ёшлар сиёсати – бу давлат томонидан ёш авлодни тизимли ва стратегик қўллаб-қувватлаш, уларни таъминлаш ва ривожлантиришдир.

Шу муносабат билан, сиёсий режим барқарорлигини таъминлаш мақсадида ёшлар сиёсати механизмлари ва технологияларини ўрганиш долзарбдир.

Ҳозирда сиёсий режимни барқарорлаштиришда ёшлар сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш механизми тадқиқ этилмаган. Ушбу механизм дунёнинг аксарият давлатларида мавжуд эмас, жумладан Ўзбекистонда ҳам.

Янги Ўзбекистоннинг замонавий воқелиги охириги йилларда ўз хусусиятини ўзгартириб, у нисбатан транспарентлашди, ёшлар сиёсатида босқичма-босқич тартибда бошқарувнинг кооптацион механизмлари қўлланила бошланди.

Таъкидлаш жоизки, 2016 йилдан Ўзбекистон ёшлари ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг объектига айланиб, бунга охириги беш йилда яратилган ҳуқуқий база,

жумладан Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрь “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июль “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июнь “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6017-сонли Фармони ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асос бўлиб хизмат қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида “Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция ва “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш долзарблиги асосий фундаментал ташаббус сифатида кун тартибига қўйилди. Ушбу ғоя БМТга аъзо барча давлатларнинг қўллаб-қувватлаши асосида 2018 йилнинг 12 декабрида ўтказилган БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида қабул қилинди.

Ёшлар сиёсатига стратегик нуқтаи назардан ёндашилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида (24.01.2020) ёшлар сиёсатидаги туб ўзгаришлар ва истиқболда ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришнинг долзарблиги ҳақида таъкидланди. Хусусан, “Ўзбекистон ёшлари - 2025” Концепциясини ишлаб чиқиш ва ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолашнинг ягона мезонларини жорий қилиш бўйича топшириқлар берилди [11]. Ушбу йўналишдаги ислохотлар узвийлигини таъминлаш мақсадида 2020 йилда мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини мувофиқлаштирувчи, ёшлар билан боғлиқ соҳа ва йўналишларда ягона давлат сиёсати, стратегик йўналишлар ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга масъул – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолияти ташкил этилди ҳамда 2021 йил Ўзбекистонда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинди [12].

ХУЛОСА

Умуман олганда, жаҳон аҳолисининг кўпайиб бориш тенденцияси ва унда ёшлар улушининг юқорилиги ижобий характер касб этиши билан бир қаторда, давлат ривожланиши ва барқарорлигига салбий таъсирнинг триггерига (ўз эҳтиёжларининг давлат томонидан қондирилмаганлиги сабабли) айланиши мумкин. Шунинг учун илоҳий қудрат билан, давлатлар сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш ва унга таъсир қилувчи омилларни олдини олиш бўйича стратегиясида ёшларга оид сиёсатга алоҳида ўрин ажратиши лозим.

Айниқса, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш моделини ишлаб чиққан ҳолда, ҳар йили соҳанинг яхлит манзарасини акс эттирувчи таҳлилий ҳужжат тайёрлаш ва унинг хулосалари асосида эса ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигининг йиллар кесимидаги динамикасини ишлаб чиқиш ҳамда шунга кўра келгуси йиллардаги истиқболли стратегияни аниқ белгилаб олиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ҳ.Ахмедов “Ёш малакали кадрлар тайёрлаш истиқболлари” //Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т.: “Ғофур Ғулом”, 2013.Б – 57.
2. Пель В.С. Государственная молодежная политика//Новосибирск: Изд-во: СибАГС, 2015, С.143.
3. Манхейм К. Диагноз нашего времени Пер. с нем. и англ.- М.: Юристъ, 1994, С.697., Стр.337.
4. Коротаев А.В., Шишкина А.Р. “Волна глобальной социально-политической дестабилизации 2011-2015 гг.: количественный анализ”//Полис. Политические исследования. 2017. № 6. С. -. DOI: <https://doi.org/10.17976/jpps/2017>
5. Goldstone J. A., Bates R.H., Epstein D. L., Gurr T. R., Lustick M. B., Marshal M. G., Ulfelder J., Woodward M. A “The global model for forecasting political instability”// American Journal of Political Science. 2010. Vol.54, No.1. P.195.
6. Urdal H. “A clash of generations? Youth bulges and political violence”//International studies quarterly. №. 3. 2006. P.620.
7. Gurr T. “Urban disorder: Perspectives from the comparative study of civil strife”//The American Behavioral Scientist//1968, Pp.50-55.
8. LaGrafte D. “The youth bulge in Egypt: An intersection of demographics, security, and the Arab Spring”// Journal of Strategic Security, Vol. 5, No. 2 (Summer 2012), Pp. 65-80. P.76.
9. UN Population URL: <https://www.un.org/ru/sections/issues-depth/population/>
10. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>
11. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису// 24.01.2020// <https://president.uz/ru/lists/view/3324>
12. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису// 29.12.2020// <https://president.uz/ru/lists/view/4057>
13. Madaminova, D. I., & Fayzullaev, S. A. (2021). The important aspects of uzbekistan's initiatives in central Asia. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 10(3), 324-328.
14. Sayfullaev, D. B. (2020). CONCEPTUAL BASIS OF THE MODERN WEST AND EAST DIPLOMACY STUDY. *Journal of Legal, Ethical and Regulatory Issues*, 23(2), 1-10.